

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ШОЙМУРАДОВ АБРОР

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Шоймуратов Аброр

Қашқадарё вилояти шароитида қаттиқ бўғдой етиштириш
агротехнологиясини такомиллаштириш..... 3

Шоймуратов Аброр

Усовершенствование агротехнологии выращивания твёрдой пшеницы в
условиях Кашкадарьинской области..... 19

Shoymuradov Abror

Developing of agrotechnology leagues growing Durum Wheat in the
conditions of the Kashkadarya region 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 37

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ШОЙМУРАДОВ АБРОР

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx294 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ftga info@edu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аманов Ойбек Анварович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар: **Хошимов Иброхим Набиевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Бобомирзаев Пирназар Хурсанович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Ётақчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти хузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «10» 09 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. АҚХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63, e-mail: agai info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (07 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй, АҚХАИ. Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99874) 373-10-54.)

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 08 куни тарқатилди.

(2021 йил «27» 08 даги 07 рақамли реестр баённомаси).



А.Исашов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор в.б.

К.С.Комилов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда каттиқ буғдой (*Triticum durum*) муҳим озиқ-овқат экинларидан бири бўлиб, йилига 36 миллион тонна дон ишлаб чиқарилади. Бу асосан “Ўрта ер денгизи ҳавзаси, Америка қўшма штатларининг жануби-шарқий ва Канаданинг шимолий текисликлари, Мексиканинг шимолидаги чўл худудлари улушига тўғри келади”¹. 2020–2021 йилларда жаҳон миқёсида каттиқ буғдой донини ишлаб чиқарилиши бироз ўсиши кутилмоқда. Бунда, “АҚШ да ишлаб чиқариш йилига 12% га ошади. 2019–2020 йилларда Европа Иттифоқида, Испания ва Греция ишлаб чиқариш юқори бўлган давлатлар хисобланиб, бошқа мамлакатларда ишлаб чиқариш пасайиши кузатилмоқда. Жумладан, Италияда ва Шимолий Африкада ҳам ишлаб чиқариш камаймоқда. Каттиқ буғдойни етиштириш пасайиши кузатилган Марокаш, Тунис ва Жазоирнинг ғарбий қисмида қурғоқчил шароитлар сабаб бўлганлиги аниқланган”². Шу сабабли кўплаб мамлакатларда каттиқ буғдой экин майдонини камайишига олиб келди.

Жаҳон буғдой бозорига “ҳар йили 120–140 миллион тонна буғдой киради ва бу бозорда асосан АҚШ, Австралия, Канада, Аргентина, Европа Иттифоқи, Россия, Қозоғистон ва Украина муҳим ўрин эгаллаб, дунё бўйича экспортининг катта қисми ушбу 8 та давлат томонидан амалга ошириб келинмоқда. Шу ўринда Америка Қўшма Штатлари биринчи ўринда туради”³. “1950 йилдан 1990 йилгача ишлаб чиқариш генетик яхшиланиш ва янги агрономик усулларнинг биргаликдаги таъсири туфайли ҳосилдорликни сезиларли даражада оширган”⁴. 1960 йилларга нисбатан азотдан фойдаланиш 9 баробар ошган ва олимлар башоратига кўра, кейинги йилларда яна 40-50 фоизга ортиши мумкинлиги таъкидланган. Бугунги кунда каттиқ буғдойдан сифатли дон етиштириш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб, кўплаб хорижий мамлакатларда сифатли дон етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнги беш йилликда қишлоқ хўжалиги диверсификацияси, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтирилиши Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги модернизациялаш стратегиясининг ёрқин хусусиятларидан бирини ифодалайди. “Маҳсулот етиштиришнинг самарали технологияларининг жорий этилиши ҳамда хўжалик ва кластер корхоналарининг моддий-техника баъзаси мустаҳкамланиши ҳисобига 2019 йилда 7 миллион 130 минг тонна бошоқли дон етиштирилишига эришилди”⁵. Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030

¹ http://www.openfields.it/sito/wp-content/uploads/2016/01/PASTARIA2015_N06_en-artOF.pdf

² <https://www.mellco.com.au/uncategorized/market-update-june-2016/>

³ <https://www.millermagazine.com/english/the-leading-countries-in-world-wheat-trade-and-wheat-varieties/.html>

⁴ <http://faostat.fao.org>

⁵ <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-ishlo-kh-zhaligi-khodimlariga-06-12-2019>

йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида «... сув ресурсларини бошқариш, сувдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, ўғитдан фойдаланишнинг самарали амалиётини жорий этиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш»га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада импорт ўрнини босувчи ва экспортбop қаттиқ буғдойни суғориладиган майдонларда етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ва лалмикор майдонларда турли тупроқ-иқлим шароитларида қаттиқ буғдой селекцияси, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган нав агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича маҳаллий шароитда А.Аманов, Р.А.Удачин, Н.Халилов, Ғ.Қурбонов, Р.И.Сиддиқов, З.Ф.Зиядуллаев, П.Х.Бобомирзаев, Н.Турдиева, С.Ғайбуллаев, О.А.Аманов, А.К.Учуаткин, А.Рахимовлар, хорижда W.J.Hurkman, Y.Wan, G.Visioli, E.I.Teixeira, Н.И.Мамсиров, З.Ш.Дагужиева каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикаимизнинг турли минтақалари шароитида экиш меъёр ва муддатлари, минерал ўғитлар асосида озиклантириш, тупроқ типига кўра суғориш режимларининг қаттиқ буғдойни ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган бўлса, хорижда қаттиқ буғдой минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда сув билан таъминланганлик даражаси асосида дон шаклланиши, дон ҳосилдорлиги, клейковина, оксилнинг таркибини глиадин ва юқори молекуляр оғирликдаги глютинларнинг индивидуал аъзоларига нисбатан таъсирини ўрганишган.

Бироқ, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида маҳаллий шароитда яратилган қаттиқ буғдойнинг янги навлари уруғларининг экиш меъёри, азотли ўғит билан озиклантириш ва суғориш тартибини бошқариш

масалалари мажмуида ўсимликнинг иссиқлик ва курғоқчиликка чидамлигини ошириш, ҳосилдорлик салмоғи ва дон сифатини барқарорлаштириш, юқори иқтисодий самарадорликни таъминловчи қаттиқ буғдой етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш борасида етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2018-083 “Суғориладиган ва лалмикор майдонларда қаттиқ буғдойнинг ташқи муҳит омилларига чидамли манба ва навлар яратиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018–2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Республиканинг жанубий минтақалари биоиклим шароитларида маҳаллий қаттиқ буғдойнинг янги навларини етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш ва сифатли дон олишда азотли ўғитларни қўллаш ҳамда суғориш тартибини бошқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат;

уруғларининг унувчанлиги, қишлаб чиқиши, тупланиш даражаси, ривожланиш даврларига қаттиқ буғдой уруғларини экиш меъёри, азотли ўғит билан озиклантириш режимининг боғлиқлигини аниқлаш;

ўсимликларнинг ўсиши (ўсув даврларининг ўтиши, ўсимлик бўйи) ҳамда миқдорий белгилари (туплаш, поя, бошоқ, дон) нинг ўзгаришига қаттиқ буғдой уруғларини экиш меъёри, суғориш тартиби ва ўғитлаш тизимига таъсирини аниқлаш;

дон ҳосили ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларининг азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибига боғлиқлигини асослаш;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини тадқиқ қилиш асосида мақбуллаштириш;

қаттиқ буғдой етиштиришда уруғларни экиш меъёрлари, азотли ўғитларни турли меъёрда қўллаш ҳамда суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини мақбуллаштириш асосида юқори ҳосилдор, доннинг сифат кўрсаткичлари саноат талабларига тўла мос келадиган, иқтисодий самарадор етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, қаттиқ буғдойнинг “Крупинка”,

“Зилол” ва “Насаф” навлари, уруғларни экиш меъёрлари, минерал ўғит меъёрлари, турли суғориш тартиблари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Кузги қаттиқ буғдой уруғлари экиш меъёрлари, азотли ўғитларнинг турли меъёрлари ҳамда суғориш режими, уруғларни униши, ўсимликнинг қишлаш даражаси, ўсимликлар сақланиши, ўсиши ва ривожланиши, ҳосил элементлари шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», “Методика Государственной инспекции по сортоиспытаниям сельскохозяйственных культур”, тупроқнинг сув-физик хоссаларини ўрганишда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевных хлопковых районах», тажриба даласидаги тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» услубий қўлланмалар асосида олиб борилиб, тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

илк бор суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда қаттиқ буғдойнинг “Крупинка”, “Зилол” ва “Насаф” навларини экиш меъёрлари (4 млн.дона уруғ/га), азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ($N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га) ва суғориш тартиблари (ЧДНС 70-75-65%) ишлаб чиқилган;

қаттиқ буғдойнинг “Зилол” ва “Насаф” навларини 4 млн.дона, “Крупинка” навини 5 млн.дона меъёрида, уруғ экилганда $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрда озиклантириш, аксинча, маҳаллий навларни 5 млн.дона, “Крупинка” навини 4 млн.дона уруғ ҳисобида экилганда $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда уруғларининг дала унувчанлиги, қишга чидамлилиги, туплаш даражаси, ривожланиш даврлари ҳамда ҳосил структураси яхшиланиб, ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

қаттиқ буғдой навлари донининг технологик сифат кўрсаткичларини азотли ўғитлар билан озиклантириш ($N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га) ва суғориш тартиби (ЧДНС 70-75-65%) га боғлиқлиги илмий асосланган;

қаттиқ буғдой етиштиришда уруғларни экиш меъёрлари, азотли ўғитларни турли меъёрларда қўллаш ҳамда суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини мақбуллаштириш асосида юқори ҳосилдор, доннинг сифат кўрсаткичлари саноат талабларига тўла мос келадиган, иқтисодий самарадор етиштириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида (Қарши тумани мисолида) суғориладиган майдонларда қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини мақбуллаштириш асосида юқори ҳосилдор, доннинг сифат кўрсаткичлари саноат талабларига тўла мос келадиган, иқтисодий самарадор етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

мазкур шароитда қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини қўллаш орқали азотли ўғитларни меъёрининг ошириб борилиши, ўсимликнинг тўлик ўсиш-ривожланишини таъминлаб, бошоқдаги дон оғирлиги ҳамда дон чиқиш даражаси ошишига таъсир қилиши аниқланган;

Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой етиштиришда юқори агрофон қўлланиши, $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда маҳаллий навларни 4 млн.дона, хориждан келтирилган навларни 5 млн.дона, $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда аксинча, маҳаллий навларни 5 млн.дона, хориждан келтирилган навларни 4 млн.дона уруғ ҳисобида экиш юқори самара бериши аниқланган;

Қарши чўли шароитида суғориш сонини ортиши ва суғоришлар оралиғидаги даврнинг қисқариб бориши қаттиқ буғдой ҳаётчанлигини ошириши, аксинча, суғориш сонининг камайиши ва суғоришлар оралиғидаги даврнинг узайиб бориши ўсимликнинг ривожланиш босқичларининг қисқаришига олиб келиши аниқланган;

экиш меъёри 5-6 млн.дона ва азотли ўғитлар 210 кг/га меъёрида қўлланилганда дон ҳосилдорлиги ошиши билан бирга, сарфланадиган ресурслар ва бошқа харажатлар ошишига олиб келди ва иқтисодий самарадорлиги 180 кг/га вариантга нисбатан юқори бўлмаслиги исботланди. Экиш меъёри 6 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида эса рентабеллик даражасининг кескин пасайишини, ўсимликнинг ётиб қолиши ва ҳосилдорликнинг камайганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Лаборатория ва дала тажрибалари қабул қилинган услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оч тусли бўз тупроқлар шароитида кузги қаттиқ буғдой уруғларини экиш ва азотли ўғит меъёрлари ҳамда суғориш

тартиби тадқиқ қилинганлиги ҳамда мақбуллаштирилганлиги, қаттиқ буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлиги, қишга чидамлилиги, туплаш даражаси, ривожланиш даврларига экиш ва азотли ўғитларнинг таъсири ҳамда ўсимликларнинг ўсув даври, ўсимлик бўйи, поя, бошоқ ва доннинг шаклланишига таъсири, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорликнинг оширилишига экиш ва ўғитлаш тизимининг меъёри ҳамда суғориш тартиблари натижасида иқтисодий самарадорлик барқарор ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини мақбуллаштирилиши уруғларнинг дала унувчанлиги, қишга чидамлилиги, туплаш даражаси, ҳосил структураси, дон ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичлари ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти шароитида кузги қаттиқ буғдой етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш меъёрлари, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш тартибини мақбуллаштириш бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02/021-3107-сон маълумотномаси). Бунда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича зарур тавсиялар берилган ва фермер хўжаликларида фойдаланилиб келинмоқда;

кузги қаттиқ буғдой (Крупинка, Насаф ва Зилол) навлари уруғ сарфи гектарига 4 млн.дона экилиб, $N_{180}P_{90}K_{60}$ меъёридаги минерал ўғитлар қўлланилган ҳамда суғориш тартиби туплашда (ЧДНС га нисбатан тупроқ намлиги 70%), найчалошда (75%) ва бошоқлаш фазаларида (65%) суғориш технологияси Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02/021-3107-сон маълумотномаси). Натижада дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдори сезиларли даражада ошган. Ҳосилдорлик анъанавий технологияларга нисбатан 1,2-10,1 ц/га ошган ва гектаридан 2788,0-4248,1 минг сўмгача соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси ўсишига эришилган;

қаттиқ буғдой навларини экиш ва азотли ўғитлар билан озиклантириш ҳамда суғориш меъёрлари тупроқнинг турли намликларида амалга ошириш орқали кузги буғдой етиштириш (2020 йил) Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида (117 гектар) фермер хўжаликларида ҳамда Қарши агроучасткасида (8 гектар), жами бўлиб 125 гектар майдонда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02/021-3107-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорлик 8-10 ц/га ошиб, рентабеллик даражаси 45-70 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ), Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қаттиқ буғдойни етиштириш бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган ва амалдаги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Қаттиқ буғдойнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва етиштириш агротехнологиялари, қаттиқ буғдойнинг дон ҳосилдорлиги ва сифатига экиш меъёрларининг таъсири, қаттиқ буғдойнинг дон сифат кўрсаткичларига азотли ўғит меъёрларининг таъсири, қаттиқ буғдойнинг қимматли хўжалик белги-хусусиятларига суғоришнинг таъсири бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан тажриба ўтказиш услублари, тупроқ таркиби, тажрибани жойлаштириш ва фенологик кузатувлар олиб бориш бўйича кўплаб қўлланмалар асосида адабиётлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқот услублари ва шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароити, тупроқларининг тақсимланиши ва сув манбалари, тажриба майдони рельефи ва гидрогеологик тузилиши, майдонининг тупроқлари, тадқиқот ўтказилган

йилларда об-хаво шароити, тадқиқотларда қўлланилган услублар, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қаттиқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига экиш ва азотли ўғит меъёрларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида уруғларни дала унувчанлиги ва қишга чидамлик хусусиятларига экиш меъёрларининг боғлиқлиги бўйича олиб борилган тадқиқотларда қаттиқ буғдойнинг Краснодар селекциясига мансуб “Крупинка” ва маҳаллий шароитда яратилган “Зилол” ва “Насаф” навлари асосида ўтказилган тажрибаларда навнинг биологиясига кўра, уруғларнинг дала унувчанлиги ўртасида кескин фарқ кузатилмаган бўлса, уруғларнинг экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда дала унувчанлиги ўртасида фарқ кескин ўзгарганлиги баён этилган.

Дон ҳосилдорлигига экиш ва азотли ўғит меъёрларининг таъсири аниқланганда, Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой етиштиришда юқори агрофон қўлланиши, $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрда озиклантирилганда маҳаллий навларни 4 млн.дона, хориждан келтирилган навларни 5 млн.дона, $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда аксинча, маҳаллий навларни 5 млн.дона, хориждан келтирилган навларни 4 млн.дона уруғ ҳисобида экиш юқори самара берган (1-жадвал).

Қаттиқ буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларига экиш ва азотли ўғит меъёрларининг ўзаро таъсири ўрганилганда, дон натурасининг юқори бўлишини азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрининг юқори фонда қўлланилиши таъминлайди, экиш меъёрларининг ошириб борилиши эса дон натурасининг пасайишига олиб келган.

Азотли ўғитлар билан 150 кг/га озиклантирилган вариантда 1000 дона дон вазни 39,5-44,1 г, 180 кг/га озиклантирилган вариантда 41,5-46,2 г, 210 кг/га азотли ўғитлар билан озиклантирилган вариантда 43,5-47,6 граммни ташкил этиб, озиклантириш миқдорининг ошириб борилиши билан 1000 дона дон вазнининг кўтарилиши, экиш меъёрининг ошириб борилиши билан 1000 дона дон вазнининг пасайиб бориши қонунияти аниқланган. Оқсил миқдори назорат вариантда 3,0-3,5 ц/га, азотли ўғит 150 кг/га қўлланилганда 6,5-7,6 ц/га, 180 кг/га қўлланилганда 8,6-9,9 ц/га ва 210 кг/га қўлланилганда эса 9,9-11,6 ц/га оқсил шаклланиши аниқланган.


Таҳлиллардан кўринадик, майдон бирлиги ҳисобида оқсил ҳосили юқори бўлиши азотли ўғитларни қўллаш меъёрига бевосита боғлиқ. Азотли ўғитлар билан озиклантириш 150 кг/га бўлганда клейковина миқдори 26,1-28,2%, назорат вариантга нисбатан 4,0-4,1% юқори, 180 кг/га бўлганда 28,2-30,0%, назорат вариантга нисбатан 5,8-6,2% юқори, 210 кг/га бўлганда 29,7-31,8%, назорат вариантга нисбатан 7,6-7,7% ни ташкил этган (1-расм).

**Экиш ва азотли ўғит меъёрларининг дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га
(2018–2020 йй.).**

№	Ўғит меъёри кг/га	Экиш меъёри	Нав номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Ўртача	Назоратга нисбатан фарқи, +/-
1	N ₂₀ P ₉₀ K ₆₀	4 млн	Крупинка	21,4	26,6	23,6	23,9	-
2			Зилол	20,6	24,4	22,6	22,5	-
3			Насаф	24,4	27,7	25,8	26,0	-
4		5 млн	Крупинка	22,5	27,8	24,7	25,0	-
5			Зилол	21,5	23,0	22,8	22,4	-
6			Насаф	25,7	28,8	26,4	27,0	-
7		6 млн	Крупинка	23,4	28,4	25,6	25,8	-
8			Зилол	22,5	26,3	23,5	24,1	-
9			Насаф	26,4	29,7	27,4	27,8	-
10	N ₁₅₀ P ₉₀ K ₆₀	4 млн	Крупинка	41,6	46,6	42,8	43,7	19,8
11			Зилол	45,8	48,8	46,8	47,1	24,6
12			Насаф	47,7	49,1	48,2	48,3	22,3
13		5 млн	Крупинка	43,9	47,7	44,8	45,5	20,5
14			Зилол	47,6	49,2	48,9	48,6	26,2
15			Насаф	48,0	50,2	49,1	49,1	22,1
16		6 млн	Крупинка	44,4	47,8	45,1	45,8	20,0
17			Зилол	48,7	49,6	49,4	49,2	25,1
18			Насаф	50,7	50,7	51,2	50,9	23,1
19	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀	4 млн	Крупинка	52,3	59,2	54,2	55,2	31,3
20			Зилол	57,5	62,3	59,1	59,6	37,1
21			Насаф	58,0	64,2	60,0	60,7	34,7
22		5 млн	Крупинка	54,7	60,1	56,0	56,9	31,9
23			Зилол	58,3	64,6	60,5	61,1	38,7
24			Насаф	59,7	65,9	61,2	62,3	35,3
25		6 млн	Крупинка	55,0	61,0	57,5	57,8	32,0
26			Зилол	59,6	67,9	61,0	62,8	38,7
27			Насаф	61,3	68,9	63,4	64,5	36,7
28	N ₂₁₀ P ₉₀ K ₆₀	4 млн	Крупинка	56,5	64,9	59,8	60,4	36,5
29			Зилол	59,7	69,7	63,2	64,2	41,7
30			Насаф	60,0	70,7	65,7	65,5	39,5
31		5 млн	Крупинка	57,4	65,9	60,2	61,2	36,2
32			Зилол	62,2	70,5	64,3	65,7	43,3
33			Насаф	62,4	71,0	66,6	66,7	39,7
34		6 млн	Крупинка	56,9	66,9	61,0	61,6	35,8
35			Зилол	60,0	71,0	65,2	65,4	41,3
36			Насаф	61,9	72,1	68,6	67,5	39,7
Тажрибанинг хатолиги			S _x =	1,14	1,15	1,29		x
Фарқнинг ўртача хатоси			S _d =	1,61	1,63	1,82		x
Энг кичик фарқ, ц/га			ЭКФ ₀₅ =	2,98	3,01	3,37		x
Энг кичик фарқ, %			ЭКФ ₀₅ =	8,29	8,37	9,37		x

Диссертациянинг «Қаттиқ буғдойнинг қимматли хўжалик белги-хусусиятларига суғориш тартибларининг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида тажриба майдонида тупроқ намлигининг ўзгариши ўрганилган. Бунда, кузги буғдой навларини ўсув даврида эса суғоришлар ва атмосфера ёғинлари ҳисобига тупроқ таркибидаги намлик захираси 16-18%

гача кўтарилди, тупроқнинг бундай намлиги ўрганилган навларни ўсув фазаларини меъёрда ўташини ва етарлича ҳосил тўплашини таъминлади. Кузги буғдой пишиш даврида суғориш ўтказилмагани туфайли намлик захираси сезиларли даражада камайиб бориши кузатилган.




1-расм. Экиш ва азотли ўғит меъёрларининг дон таркибидаги клейковина микдорига таъсири, % (2018–2020 йй.).

Тажриба майдонида тупроқнинг чегаравий нам сифими тадқиқотнинг бошланиш даврида (3x3 м) ромларга сув куйиш усули билан аниқланган.

Ўртача уч йиллик таҳлилларга кўра, ЧДНС 65-70-60% вариантда мавсумий суғориш меъёри 3404,0 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1016,6 м³/га, ЧДНС 70-75-65% вариантда мавсумий суғориш меъёри 4057,7 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1017,8 м³/га, ЧДНС 75-80-70% вариантда эса мавсумий суғориш меъёри 4648,0 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 986,7 м³/га ни ташкил этган.


Қаттиқ буғдой дон ҳосилдорлигига суғориш тартибларининг таъсири аниқланганда, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлганда Крупинка навида 58,9 ц/га, Зилол навида 61,4 ц/га ва Насаф навида 63,3 ц/га ни ташкил этган. ЧДНС 70-75-65% вариантда эса қаттиқ буғдой навларида дон ҳосилдорлиги мос равишда 63,1, 65,2 ва 67,8 ц/га кузатилиб, 1-вариантга нисбатан 3,8-4,5 ц/га юқори бўлиши кузатилган.



2-расм. Суғориш тартибининг дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2018 – 2020 йй.).

ЧДНС 75-80-70% вариантда эса қаттиқ буғдой навларида дон ҳосилдорлиги мос равишда 65,3, 66,9 ва 69,4 ц/га кузатилиб, фонга нисбатан 47,4-48,3-49,5 ц/га, ЧДНС 65-70-60% вариантга нисбатан 5,5-6,4 ц/га юқори, ЧДНС 70-75-65% вариантга нисбатан 1,6-2,2 ц/га юқори бўлиши аниқланди (2-расм).

Диссертациянинг «Қаттиқ буғдойни етиштириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобда қаттиқ буғдойнинг экиш ва азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш тажрибасида иқтисодий самарадорлик асоси бўлган агротехник тадбирлар харажатлари тадқиқот ўтказилган Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида қаттиқ буғдой етиштириш бўйича иш юритиш учун қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа тўлов меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Экиш ва азотли ўғит меъёрларининг қаттиқ буғдой етиштиришдаги иқтисодий самарадорлиги, %.

Суғориш тартиби бўйича ресурслар нархи 2020 йил ҳосили учун давлат томонидан белгиланган харид баҳосига ҳамда сув солиғи давлат томонидан белгиланган тартиб (1 м³ сув учун 140 сўм) асосида ишлаб чиқилган.


ЧДНС 65-70-60% вариантыда 1 гектар майдон учун 8311,9 сўмни, ЧДНС 70-75-65% вариантыда 8495,6 сўмни ва ЧДНС 75-80-70% вариантыда 8598,9 сўмни ташкил этган. Сарф-харажатлар таҳлил қилинганда, ЧДНС 75-80-70% вариантыда 1 гектар майдон учун ЧДНС 65-70-60% вариантыга нисбатан 287 минг. сўмни, ЧДНС 70-75-65% вариантыга нисбатан эса 173 минг сўм маблағ сарфланган.

Суғориш тартибини ишлаб чиқишда суғоришдан олдинги тупроқ намлиги турлича бўлганда суғоришни амалга ошириш сув сарфи ҳамда

ҳосилдорликнинг ўзгариши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатган.

Тадқиқотларда нам тўплаш (фон) вариантда ҳосилдорлик Крупинка навида энг паст (17 ц/га), Насаф навида энг юқори (19,9 ц/га) бўлиши иқтисодий самарадорликнинг мос равишда ўзгаришига олиб келди. Бунда рентабеллик даражаси манфий кўрсаткичда (-54,3...-46,3%) бўлган.

Суғориш меъёри ЧДНС 65-70-60% вариантда ҳосилдорлик Крупинка навида энг паст (58,9 ц/га), Насаф навида энг юқори (63,3 ц/га) бўлиши иқтисодий самарадорликнинг мос равишда ўзгаришига олиб келди. Ушбу вариантда рентабеллик даражаси 44,6-55,5% ни ташкил этган.



4-расм. Қаттиқ буғдой етиштириш учун суғориш тартибини ишлаб чиқишдаги иқтисодий самарадорлиги, %.

ЧДНС 70-75-65% вариантда рентабеллик даражаси 51,5-62,8% бўлиб, ЧДНС 65-70-60% вариантга нисбатан дон ҳосилдорлиги ошиши ҳисобига рентабеллик даражаси 6,9-7,3% юқори бўлиши тажрибаларда ўрганилди (4-расм).

ХУЛОСАЛАР

1. Қаттиқ буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлиги 87,7-90,0% ни ташкил қилади. Навлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич экиш меъёри 6 млн.дона бўлган вариантда андоза Крупинка навида 87,7%, Зилол навида 89,1% ва Насаф навида 90% ни ташкил қилди. Экиш меъёрларининг ошиб бориши, уруғларнинг дала унувчанлиги юқори бўлишини таъминлайди.

2. Қаттиқ буғдойнинг қишга чидамлилиги барча навларда 4 млн.дона бўлганда 84,1%, 5 млн.дона вариантда 83,7% ва 6 млн.дона вариантда 82,3% ёки экиш меъёрининг ошиб бориши билан ўсимликнинг қишлаш даражаси пасайиб боради.

3. Қаттиқ буғдойга азотли ўғитларни $N_{150}P_{90}K_{60}$ кг/га дан $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га гача қўлланилганда навларнинг ўсув даври 231-233 кунни ташкил этади.

Азотли ўғитларни қўллаш меъерини ҳар 30 кг/га ошириб борилиши, ўсимликларнинг тўлиқ ўсиш-ривожланишини таъминлаш билан бирга, ўсув даврининг 2-3 кунга узоқ бўлишига олиб келади.

4. Қаттиқ буғдой навларининг энг самарали дон ҳосилдорлиги $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъерида озиклантирилганда Зилол навида (59,6 ц/га) ва Насаф навида (60,7 ц/га) навларини 4 млн.дона, Крупинка (56,9 ц/га) навини 5 млн.дона, $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъерида озиклантирилганда аксинча, маҳаллий (65,7-66,7 ц/га) навларни 5 млн.дона, хориждан келтирилган Крупинка (61,6 ц/га) навини 4 млн.дона уруғ ҳисобида экишда таъминлайди. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой етиштиришда азотли ўғитлар $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га ва экиш меъери 6 млн.дона уруғ экилганда, ўсимликнинг ётиб қолиши ҳисобига юқори самара бермайди.

5. Қаттиқ буғдой навларини оч тусли бўз тупроқлари шароитида экиш ва азотли ўғитлар билан озиклантириш доннинг технологик сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади. Азотли ўғитларни $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га ва экиш меъери 4 млн.дона вариантда оқсил миқдори Крупинка навида 16,5%, Зилол навида 18% ва Насаф навида 17,3% ни ташкил этади. Демак, экиш меъерини 4 млн.донадан 6 млн.донага ошириб борилиши дон сифатининг пасайишига олиб келади.

6. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% бўлганда, навларнинг ўсув даври 230-238 кунни, ЧДНС 65-70-60% вариантыга нисбатан ўртача 9 кунгача, ЧДНС 70-75-65% вариантыга нисбатан ўртача 4 кунгача узайишига олиб келади.

7. Қаттиқ буғдой навлари сувга бўлган талаби асосида ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ЧДНС 75-80-70% вариантыда 65,3, 66,9 ва 69,4 ц/га эришилади. ЧДНС 65-70-60% вариантга нисбатан 5,5-6,4 ц/га, ЧДНС 70-75-65% вариантга нисбатан 1,6-2,2 ц/га юқори бўлиши таъминланади. Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% вариантда суғориши дон ҳосилдорлиги юқори бўлиши билан, сув ресурсларининг иқтисод қилинишини таъминлайди.

8. Азотли ўғитларни $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъерида қўлланилганда энг юқори рентабеллик даражаси Зилол навида 70,0% ва Насаф навида 73,0% 4 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда, Крупинка навида 55,9% 5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда, азотли ўғит меъери $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъерида озиклантирилганда эса аксинча, 5 млн.дона экилганда маҳаллий навларда 63,0-65,5% ни, 4 млн.дона экилганда Крупинка навида 68,4% ни ташкил этади.

9. Кузги қаттиқ буғдой етиштиришда суғориш тартибини ишлаб чиқишдаги иқтисодий рентабеллик даражаси 44,6-64,7% ни ташкил этади. ЧДНС 75-80-70% вариантда рентабеллик даражаси 54,9-64,7% бўлиб, дон ҳосилдорлиги ЧДНС 70-75-65% вариантга нисбатан кескин фарқ қилмаганлиги ва ортиқча сув сарфланиши эвазига рентабеллик даражасида кескин фарқ кузатилмайди.

10. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилаётган қаттиқ буғдой навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда:

- минерал ўғитлар билан $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда маҳаллий Зилол ва Насаф навларини 4 млн.дона, Крупинка навини 5 млн.дона, $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантирилганда аксинча, маҳаллий навларни 5 млн.дона, хориждан келтирилган Крупинка навини 4 млн.дона уруғ ҳисобида экиш;

- қаттиқ буғдой донининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлашда гектарига 4 млн.дона уруғ ҳисобида экиб, $N_{210}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида озиклантириш;

- Краснодар селекциясига мансуб қаттиқ буғдой навларини етиштиришда тупроқ намлиги юқори (ЧДНС 75-80-70%), маҳаллий навларда тупроқ намлиги ўта юқори бўлмаган (ЧДНС 70-75-65%) ҳолда суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ (PhD) ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗЕРНА И ЗЕРНОБОБОВЫХ
КУЛЬТУР**

ШОЙМУРАДОВ АБРОР

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ТВЁРДОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

АНДИЖАН–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2018.2.PhD/Qx294

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Кашкадарьинском филиале научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (nga info@edu.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Аманов Ойбек Анварович, доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Хошимов Иброхим Набиевич доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник Бобомирзаев Пирназар Хурсанович доктор сельскохозяйственных наук, доцент;
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «10» 09 2021 года в 1400 часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. (по адресу: 170600, Андижанская область Андижанский район поселок Куйган яр улица Олийгох дом-1. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; e-mail: agai info@edu.uz, Административное здание: Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий, 1-этаж, зал заседаний.


С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована № 07). Адрес: 170600, Андижанская область Андижанский район поселок Куйган яр улица Олийгох дом-1. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; Информационно-ресурсный центр.


Автореферат диссертации разослан «27» 08 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 07 от «27» 08 2021 года.)




А.Исмаилов,
Председатель научного совета, по
присуждению ученой степени, д.с.х.н,
профессор


С.О.Абдурахмонов,
Ученый секретарь научного совета по,
присуждению ученой степени, д.с.х.н,
и.о профессор


К.С.Комилов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени, к.с.х.н, доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире твёрдая пшеница (*Triticum durum*) является одной из важнейших продовольственных культур, ежегодно производится 36 миллионов тонн зерна. Твёрдая пшеница в основном выращивается в бассейне Средиземного моря, на юго-востоке США и на северных равнинах Канады, в пустынных районах северной Мексики и во многих других регионах¹. В 2020–2021 годы в мире ожидается некоторое увеличение производства зерна твердой пшеницы. Производство в США увеличилось на 12% в год. В 2019–2020 годы Европейский союз, Испания и Греция являлись странами с самым высоким уровнем производства. В других странах наблюдается сокращение производства. Производство в Италии резко снизилось. Производство также снижается в Северной Африке. Марокко, Тунис и западном Алжире, где наблюдаются засушливые условия и в результате производство твёрдых сортов пшеницы снизилось². Это привело к сокращению площадей под твёрдую пшеницу во многих странах.

На мировой рынок пшеницы ежегодно поступает 120-140 миллионов тонн пшеницы, и важную роль на этом рынке играют США, Австралия, Канада, Аргентина, Европейский Союз, Россия, Казахстан и Украина. Большая часть мирового экспорта пшеницы производится этими 8 странами. Соединенные Штаты занимают первое место среди них³. С 1950 по 1990 год производство значительно увеличило продуктивность благодаря сочетанию генетического улучшения и новых агрономических методов⁴. С 1960-х годов потребление азота увеличилось в 9 раз, и, по прогнозам ученых, в ближайшие годы оно может увеличиться еще на 40-50 процентов. Сегодня во многих зарубежных странах проводятся исследования по совершенствованию агротехнологий и по выращиванию высококачественного зерна твёрдой пшеницы, которая является одной из самых актуальных проблем.

За последние пять лет в стране одной из ярких черт нынешней стратегии модернизации Узбекистана является диверсификация сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности и расширение производства экологически чистой продукции. За счет внедрения эффективных технологий производства и укрепления материально-технической базы фермерских хозяйств и кластеров в 2019 году выращено 7 миллионов 130 тысяч тонн зерна⁵. В рамках Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы особое внимание уделяется «... внедрению эффективных механизмов управления водными ресурсами, водопользования и водопотребления, внедрению и рациональному использованию удобрений для сохранения и повышения плодородия почвы».

¹ http://www.openfields.it/sito/wp-content/uploads/2016/01/PASTARIA2015_N06_en-artOF.pdf

² <https://www.mellco.com.au/uncategorized/market-update-june-2016/>

³ <https://www.millermagazine.com/english/the-leading-countries-in-world-wheat-trade-and-wheat-varieties/.html>

⁴ <http://faostat.fao.org>

⁵ <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-ishlo-kh-zhaligi-khodimlariga-06-12-2019>

В связи с этим большое значение имеют проведение научных исследований по усовершенствованию оптимальных агротехнологий выращивания импортозамещающей и экспортно-ориентированной твердой пшеницы на орошаемых землях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», а так же задач упомянутых действий в нормативно-правовых документах.

